

Силаи раҳми тиклаш



17:28 / 26.03.2017 5068

Яқинларингиз билан хафалашиб қолдингизми? Унда қуйидаги 10та маслаҳат сизга ёрдам беради

Силаи раҳм, яъни қариндошчилик ришталарини мустаҳкамлаш ҳам Аллоҳ таолога ибодатдир.

Абдурроҳман ибн Авфдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла: «Мен Роҳманман. Раҳми яратганман ва унга Ўз исмидан исм қўйганман. Ким уни боғласа, боғлайман. Ким уни кесса, кесаман», - деган», - дедилар».

Шарҳ: «Раҳм» бачадон дегани, бир бачадондан тарқалганларнинг бир-бирига яхшилик қилиши «силаи раҳм» дейилади.

Бу ҳадиси қудсийда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг қариндошлик алоқаларини боғлаш ва кесиш оқибатлари ҳақида айтган сўзларини баён қилиб бермоқдалар.

Бошқа бир ҳадисда: “Силаи раҳми миннат қилган одам эмас, алоқани узишса ҳам уни боғлаган одам силаи раҳм қилган бўлади”

Эҳтимол хар биримизнинг истаганимиздек яқин муносабатда бўлаолмайдиган қариндошларимиз бордир. Улар билан муносабатларимиз

ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Қандайдир илгари бўлиб ўтган оилавий можаролар ёки хафагарчиликлар қариндошлар билан алоқада бўлишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Шунинг эса тутиш лозимки, қариндошларингиз билан алоқани Аллоҳ учун тиклайсиз. Яқинларингиз билан алоқангизни тиклаш учун қуйидаги маслаҳатлар сизга ас қотади:

1. Бир бирингизни янада яхшироқ ўрганиб чиқинг. Умуман олганда биз асосан қариндошларимиз нима билан шуғулланишган, ёшлик даврларида қандай бўлишган ва нималарга эришишган билмаймиз.

Ота-онангиз билан бўш вақтингизни ўтказинг, улар ёшликларида қандай бўлишганлиги, сиз туғилишингиздан олдинги ҳаётлари тарихини гапириб беришларини илтимос қилинг, сиз умуман билмаган фактлар сизни хайрон қолдиради. Хола - аммаларингиз, тоға - амакиларингиз ҳақида суриштиринг, бува бувиларингизни улар туғрисида сўраб олинг, оилангиз шажарасини тузинг.

2. Алоқа маълумотларини топинг. Сиз мутлақо мулоқотда бўлмаган қариндошларингиз бўлса, уларнинг рақамларини, манзилларини билинг, ижтимоий тармоқларда уларнинг саҳифаларини топинг. Алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинг.

3. Доимо алоқада бўлинг. Биринчи навбатда ота-онангиз билан бирга яшамасангиз қўнғироқ қилишни, ҳол аҳволларини сўрашни унутманг. Қолган қариндошларга ёзиш, қўнғироқ қилиш, ҳаётлари туғрисида сўрашни эсдан чиқарманг.

4. Катта ёшдаги қариндош -уруғларингиз билан кўпроқ вақт ўтказинг. Бува бувиларимизда кўп донолик ва тажриба мужассамланган. Уларга Аллоҳ томондан қанча умр ажратилганлигини биз билмаймиз. Улар билан ва бошқа ёши улуғ қариндошлар билан кўпроқ вақт ўтказинг, чунки уларда бизга ас қотадиган донолик, тажриба ва сабоқ бордир. 5. Меҳмонга таклиф қилинг. Қариндошларингизни сабаб бор ёки йўқлигидан қатъий назар меҳмонга чақириб туринг. Оилавий тушлик ёки кечки овқат уюштиришни анъанага айлантинг. Албатта буни кўриб улғайган фарзандларингиз сизга эргашадилар.

6. Бўш вақтларингизни биргаликда ўтказинг. Бир ойда бир маротаба оилангиз билан театр, музей, кино ва ҳоказоларга боринг. Биргаликда ҳордиқ чиқариш сизларни бирлаштиради. 7. Ҳадялар қилинг. Бир бирингизга ҳадя беришни одат қилинг, чунки бу сизнинг меҳрингизни

ифодалайди ва муносабатларингизни янада мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

8. Замонавий техник воситалардан фойдаланинг. Қариндошларингиздан олисда бўлсангиз улар билан скайп орқали суҳбат қилинг, орангизда узоқ масофа бўлсада яқинликни сақлаб қолинг.

9. Қариндошоарингизга садақа қилинг. Ислонда аввало оила аъзоларига ва ночор қариндошларга садақа қилиш буюрилган.

10. Ўтмишдаги келишмовчиликларга чек қўйинг. Уларни қалбингизда сақлаб юришдан ҳеч қандай фойда йўқ. Доимо можароларни ҳал этиш, муносабатларни тиклаш ва кечиришни йўллари мавжуд. Шунинг унутмангки буларни Аллоҳ розилиги учун қиласиз. Нафсингизнинг қулига айланмай, хафагарчиликларни унутиб Аллоҳ томонидан берилган энг мустаҳкам ришталарни тиклайсиз.